

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ  
“INVEST FINANCE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНING  
58– СОНЛИ БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳри

25 апрел 2023 йил

**Тўлиқ номи:** Чет эл капитали иштирокидаги “Invest Finance Bank” акциядорлик тижорат банки

**Қисқартирилган номи:** АТБ “InFinBank”

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1- уй

**Акциядорлар умумий йиғилиши тури:** Навбатдан ташқари умумий йиғилиши

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишининг шакли:**

Тегишли материалларни Акциядорлик умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин акциядорларга юбориши. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиши.

Акциядорларнинг навбатдаги Умумий йиғилиши Банк Кенгашининг 2023 йил 03 апрелдаги 21- сонли Баённома қарорига асосан чақирилган.

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санаси:** 2023 йил 25 апрел

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиш жойи:**

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1- уй

Умумий йиғилиши бошланиши вақти: соат 15:00

Умумий йиғилиши тугаган вақти: соат 16:45

**Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга маълумот етказиш:**

Корпоратив ахборот ягона портали [www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz) ҳамда банкнинг расмий веб-сайтида ахборот эълон қилинган ҳамда 2023 йил 03 апрел санасига шакллантирилган банк акциядорлари реестри асосида уларга электрон почта манзилига билдиришнома юборилган.

**Умумий йиғилишда қатнашдилар:**

Банк акциядорлари	Реквизитлар/паспорт маълумотлари	Акциядорлар эга бўлган овозлар сони	Акциядорларнинг шакллантирилган Банк устав капиталидаги улуши
Ҳаммаси, шу жумладан		500 000 000	100,00%
<b>Жисмоний шахслар:</b>		397 341 895	79,47%
Маматджанов Фахритдин Джураевич	Паспорт АС 2233062, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани ИББ томонидан 23.09.2019 йилда берилган.	354 391 895	70,88%
Ахмаджанов Азиз Нигмаджонович	ID карта AD 1924125, ИИВ 26296, 26.10.2022 йилда берилган.	24 950 000	4,99%

**ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ  
“INVEST FINANCE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**

Абдусаматов Парвиз Махсудович	Паспорт АВ 0309427, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ИИБ томонидан 04.07.2015 йилда берилган.	18 000 000	3,60%
<b>Юридик шахслар:</b>		<b>102 658 105</b>	<b>20,53%</b>
“Prestij Rielt” МЧЖ	Директор – Юлдашев Ильхам Рустамович (Паспорт АА 3961042, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани ИИБ томонидан 20.01.2016 йилда берилган).	61 910 453	12,38%
“AZIA TRANS TERMINAL” МЧЖ	Бош директор – Кадилов Абдурашид Абдуваситович (Паспорт АА 1099937, Тошкент шаҳар. Шайхонтохур тумани ИИБ томонидан 22.03.2013 йилда берилган).	40 747 652	8,15%

2023 йил 19 апрел ҳолатига тузилган Акциядорлар реестри маълумотларига кўра, АТБ “InFinBank” акциядорлари – овоз берувчи акциялар эгаларида мавжуд овозлар сони 500 000 000 овозни ташкил этади (битта акция – битта овоз).

Умумий йиғилишда қатнашаётган Акциядорлар – Банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари ихтиёридаги овозларнинг умумий сони 500 000 000 тани ёки Банкнинг овоз берувчи акцияларининг 100,00%ини ташкил этади. **Йиғилиш кворуми – 100,00%.**

Банк акциядори ва Банк кузатув кенгаши раиси **Ахмаджанов Азиз Нигмаджонович** маълум қилдики, АТБ “InFinBank” Уставига кўра, ушбу навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йиғилиши ҳуқуқий кучга эга ва мазкур умумий йиғилиш натижаларига кўра, қабул қилинган барча қарорлар ҳақиқий деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш учун йиғилиш Раиси этиб, Банк акциядори ҳамда Кенгаш раиси **Ахмаджанов Азиз Нигмаджоновични**, йиғилиш Котиби этиб, **Мухаммедов Шухрат Шойимовични**, йиғилиш Раёсати таркибига Банк акциядори **Юлдашев Ильхам Рустамович** ва **Маматджанов Фахритдин Джураевичларни** сайлаш тўғрисида таклиф киритилди, ушбу таклифлар бир овоздан қабул қилинди.

<b>Йиғилиш Раиси:</b>	Банк Кенгаш Раиси <b>Ахмаджанов Азиз Нигмаджонович</b>
<b>Йиғилиш Раёсати:</b>	Банк акциядорлари <b>Маматджанов Фахритдин Джураевич</b> <b>Юлдашев Ильхам Рустамович</b>
<b>Йиғилиш Котиби:</b>	Корпоратив маслаҳатчи <b>Мухаммедов Шухрат Шойимович</b>
<b>Таклиф этилганлар:</b>	Банк Кенгаши аъзолари Банк Бошқаруви аъзолари



## КУН ТАРТИБИ:

1. Банкнинг Кенгашига сайлов ўтказиш;
2. Банкнинг ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Маълумотларни тақдим этиш, Кун тартиби бўйича таклиф ва шарҳларни йиғиш, шунингдек, Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишни ташкил этиш йиғилиш Раёсати ва Котиби томонидан таъминланди.

Акциядорларни рўйхатга олиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш, шунингдек овозларни санаб чиқиш Санок комиссияси томонидан амалга оширилди.

Барча ташкилий масалалар кўриб чиқилганидан сўнг, кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

### **1-масала. Банкнинг Кенгашига сайлов ўтказиш юзасидан**

Банк кузатув кенгаши раиси А.Н.Ахмаджанов сўзга чиқиб, Банк акциядорларининг 2023 йил 24 февралдаги 56-сонли навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан Банк кузатув кенгаши аъзоси Б.Х.Нуъмоновнинг ваколати муддатидан олдин тугатилганлигини айтиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 76-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг аъзолари конунда ва жамият уставига назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби жамият устави билан белгиланади. АТБ “InfinBank” Уставига асосан Банк кенгаши 5 (беш) кишидан иборат таркибда сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига руҳсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг 129-бандига асосан Банк кузатув кенгаши аъзосининг бўшаб қолган лавозимларга, уларнинг сони Банк Уставига белгиланган миқдордан 75 фоиз ёки ундан камини ташкил этса ва (ёки) банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган энг минимал талабдан камроқни ташкил этса, қисқариш натижасида уларнинг миқдори жуфт сонни ташкил этса, мазкур Низом талабларига мувофиқ келувчи номзодларни 30 кун ичида Марказий банкка келишиб олиш учун тақдим этиши лозим.

Шунингдек, Банк акциядори Ахмаджанов Азиз Нигмаджанович (4,99% улушга эга) томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига Банк кузатув кенгаши таркибига Чумичев Глеб Модестович – “InFin Leasing” МЧЖ Директор ўринбосари - Банк акциядори эмас, номзодини киритишни таклиф қилингани маълум қилинди.

Мазкур масала йиғилиш қатнашчилари томонидан атрофлича муҳокама қилинди. Муҳокамадан сўнг, йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича тегишли тартибда овоз бериш таклиф этилди.

### **Кумулятив овоз бериш натижалари:**

1. Чумичев Глеб Модестович –  
– 500 000 000 та овоз.

### **2-масала. Банкнинг ички низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш.**

Кун тартибидаги ушбу масала бўйича Кенгаш аъзоси З.С.Абдуллаев сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига АТБ “InFinBank” “Кенгаш аъзоларини мукофотлаш ва компенсация тўлаш тўғрисида”ги Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Банк Кенгашининг тавсияларига таяниб, банкнинг мазкур ички меъёрий ҳужжатиغا бўладиган ўзгартиришларни акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш зарурлигини маълум қилди.

Банкнинг ички низомларига киритилган ўзгартиришлар амалдаги қонунчилик асосида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири, ҳамда “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқлаштирилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда йиғилиш раиси кун тартибидаги ушбу масала юзасидан овоз бериш таклиф қилди.

**Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:**

2. АТБ “InFinBank” “Кенгаш аъзоларини мукофотлаш ва компенсация тўлаш тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва 1 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

**Рози – 500 000 000 та овоз (100%),**

**Қарши – йўқ,**

**Бетараф – йўқ.**

#### **ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР:**

*Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:*

1. Банк Кенгаши таркибига қуйидаги номзод Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишига қадар сайлансин:

1.1. Чумичев Глеб Модестович – “InFin Leasing” МЧЖ Директор ўринбосари.

*Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:*

2. АТБ “InFinBank” “Кенгаш аъзоларини мукофотлаш ва компенсация тўлаш тўғрисида”ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва 1 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўз ишини яқунлади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

Баённома тузилган сана “28” апрел 2023 йил

Йиғилиш раиси

**А.Н.Ахмаджанов**

Йиғилиш котиби

**Ш.Ш.Мухаммедов**